

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги фаолияти тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

I. 2025 йил январь-сентябрь ойларида амалга оширилган ишлар

биринчи – соҳага оид **21 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат (**3 та** Фармони, **5 та** қарор, **13 та** Ҳукумат қарори) қабул қилинди;

иккинчи – мақтабгача таълим билан қамров даражаси **77,5 фоизга**, 6 ёшли болалар қамрови **98 фоизга** етказилди. Бунда:

103 та янги боғча қурилди (**12 920 та** ўрин), **104 та** (**12 610 та** ўрин) ДХШ асосида, **1 187 та** (**50 040 та** ўрин) оилавий ва **248 та** (**16 769 та** ўрин) хусусий боғча, **50 та** туман (шаҳар)да “**Илк ривожланиш марказлари**” фаолияти йўлга қўйилди (**5,2 минг** ўрин);

учинчи – баҳорги ва қузги малака тоифа синовларида **354 397 нафар** (**177 866 нафари баҳорги**) педагог, **касбий сертификатлаш** назорат синовида **4 836 нафар** стажёр-ўқитувчи иштирок этди;

тўртинчи – **PISA 2025** халқаро тадқиқотининг асосий синовларида Ўзбекистоннинг **233 та** (**8 655 нафар** ўқувчи) мақтаби иштирок этди;

бешинчи – “**Вазир жамғармаси**” ҳисобидан **1 минг нафар** илғор ўқитувчига **ҳар ойлик устама** (**МХТЭМнинг 5,5 баробари**) тўланмоқда;

олтинчи – тизимда рақамлаштириш кенгайтириш ҳисобига **1-синфга қабул жараёнлари онлайн шаклда** амалга ошириладиган туман (шаҳар)лар сони **64 тага** (**2024 й – 43 та**) етказилди;

еттинчи – **Қўшработ тумани**нинг олис ҳудудларидаги (**қарийб 300 км** узоқликда) **20 та** мақтабга ўқувчиларни ташиш учун **17 та** махсус “**Мақтаб автобус**”и етказиб берилди.

саккизинчи – янги баҳолаш тизими кенгайтирилиб, уларнинг сони **3 434 тага** етказилди. Натижада, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси **53,2 фоиздан 71,7 фоизга** ўсган.

тўққизинчи – она тили ва адабиёти ҳамда тарих фани сертификатга эга **21 616 нафар** педагогга **50 фоиз** миқдорида **ҳар ойлик қўшимча устама** тўланмоқда.

ўнинчи – халқаро тажрибалар асосида **423 номда 60,2 млн. нусха** дарслик ва **ўқув-методик мажмуалар** нашр этилиб, мақтабларга етказиб берилди.

ўн биринчи – “**Рақамли кутубхона**” тизими орқали буюртма бериш, дарсликларни мақтабларга етказиш бўйича **модул** (**lib.uzedu.uz**) яратилди.

ўн иккинчи – **1 000 та компьютер синфи** (**17 мингдан ортиқ**) мақтабларга етказиб берилди.

ўн учинчи – менежерлик ўқув курсларида **3 257 нафар** (**1 830 нафари мақтаб,** **1 427 нафари боғча**) директор ва **2 869 нафар** (**2 210 нафари мақтаб,** **629 нафари боғча**) номзод ўқитилди.

ўн тўртинчи – **183 нафар** раҳбар ва педагог ходим хорижий давлатларга (**Озарбайжон, Туркия, Буюк Британия, Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Япония**) стажировка ва малака оширишга юборилди.

ўн бешинчи – узлуксиз касбий ривожлантириш тизими асосида (“КРК”, “КРС” ва “ММК”, “ММС”) **559 482 нафар** (446 446 нафари мактаб, 113 036 нафари боғча) педагог малакаси оширилди.

ўн олтинчи – иккинчи хорижий тилга ўргатиш амалиёти жорий этилган мактаблар сони **420 тага** (2024 й – 208 та) етказилиб, халқаро ва миллий сертификатга эга ўқувчилар **53 204 нафарга** етди.

ўн еттинчи – мактабларга **600 нафар хорижий мутахассис** жалб этилди.

ўн саккизинчи – камбағал оила фарзандларини давлат боғчаларига имтиёз асосида қабул қилиш тартиби тасдиқланиб, уларнинг **355 347 нафар** фарзанди қабул қилинди.

ўн тўққизинчи – мактабларда **4 босқичли “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишлари самарадорлигини ошириш” концепцияси** тасдиқланди (22.04.2025 й., № 12-, 20-ққ-сон).

ийгирманчи – уч босқичли “Турон” мактаб театри (362 304 нафар) ва “Иқтидор” мактаб ансамбли (71 120 нафар) республика танлови ўтказилиб, унда **433 мингдан** ортиқ ўқувчи қамраб олинди.

ийгирма биринчи – жорий йилдан бошлаб илк бор тажриба-синов тариқасида **208 та** боғчада инклюзив таълим жорий этилди.

ийгирма иккинчи – Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида “Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасасининг филиаллари ташкил этилди.

ийгирма учинчи – 2025 йил январь-октябрь ойлари якуни билан **31,9 млн. АҚШ доллари** тенг хорижий инвестиция ўзлаштирилди ҳамда **63,9 млн. АҚШ доллари**га тенг грант маблағлари жалб этилди.

ийгирма тўртинчи – **10 067 та** мактабни бирламчи спорт анжомлари ва миллий чолғу асбоблари билан таъминланиб, **112,1 млрд. сўм** (62,1 млрд. сўм спорт, 50 млрд. сўм мусиқа) маблағ йўналтирилди.

ийгирма бешинчи – халқаро олимпиадаларда **206 та** (40 та олтин, 77 та кумуш, 89 та бронза) медаль қўлга киритилди.

ийгирма олтинчи – Ўзбекистон мезбонлигида илк бор **15 дан** ортиқ давлатлар иштирокида **2 та** (Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика, Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадаси) халқаро олимпиада ўтказилди.

II. 2025 йил якунигача амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар

биринчи – болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини **78 фоизга** етказилади.

иккинчи – мактабгача таълим ташкилотларини “Замонавий мактабгача таълим ташкилоти” баҳолаш мезони асосида баҳоланиб, рейтинги юритиш тизими жорий этилади.

учинчи – ўқувчилар ўртасида гимнастика бўйича “Мактабгача ва мактаб таълими вазири кубоги” спорт мусобақаси ўтказилади.

тўртинчи – умумтаълим мактабларига жалб этилган **хорижий мутахассислар** сони **1 000 нафар**га етказилади.

бешинчи – йил якунига қадар ўзлаштирилган хорижий инвестиция **32,6 млн доллар**га етказилади.

олтинчи – 2025-2026 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган **100 фоиз** мактаб **бошланғич синф ўқувчилари** соғлом овқатлантирилиши ташкил этилади.